


## Ўрик кўчатлари ва дарахтларини буташ ҳамда уларга шакл бериш



Ўрик дарахтига шакл бериш жараёни: 1 – биринчи йил; 2 – иккинчи йил; 3 – учинчи-тўртинчи йиллар; 4 – олтинчи-еттинчи йиллар



Хоразмдаги маҳаллий ўрик дарахтларига кўп лидерли усулда шакл бериш тажрибаси (Хоразм вил., Урганч тум.)

Ўрик дарахти данакли мева турларига мансуб бўлиб, данакли мева дарахтлари кўпинча 3-4 йили ҳосилга киради, эскироқ шохларда шакланган ҳосил новдалари эса уруғли меваларга нисбатан унча кўп яшмайди, натижада шохлар ичи тезда бўликка айланади. Бунга йўл қўймаслик учун буташ йўли билан ҳар йили кўплаб бир йиллик новдалар ўсиб чиқиши ва уларни шохлар орасига тўғри жойлаштириб, ҳосил туғишига эришиш зарур. Шохлар буталганда бир йиллик новдалар сони кўпаяди ва агар у ёруғда жойлашган бўлса, мева шаклланишига кўмаклашади.

Ўрик экилгандан сўнг дастлабки йиллари тез ўсади, баъзан эса муддатидан олдин ён шохлари пайдо бўлади. Улар бир ёшида ҳам мевага кириши, калта ҳосил шохчаларида мева туғиши мумкин.

Гул куртаклари кучсиз ва ўртача новдаларда учи яқинида, кучлиларида эса бутун узунлиги бўйлаб пайдо бўлади. Калта шохчалар тананинг турли қисмида ўсиб чиқиб, узок яшамаслиги билан ажралиб туради. Уларнинг ҳосил бериши 3-4 йилдир. Аста-секин ёши катталашishi билан асосан йил сайин камайиб борувчи бир йиллик шохларига уйғунлашади.

Ўрикка шакл беришнинг яхши усули каватлаб сийраклатишдир. Биринчи каватда иккита шох қолдирилиши мумкин, кейинги шохлар бир-биридан 30-35 см масофада жойлаштирилади.

Кўчат ўтказилгандан кейинги дастлабки 2-4 йилларда ўрик шохлари тиккасига кучли ўсиб, кам шохлайди. Шунинг учун ҳар йили биринчи йилдан бошлаб баҳорда сийраклатиришдан ташқари, тананинг давоми бўлмиш бир йиллик новдалар кескин қисқартирилади.

Ёши катта дарахтларнинг (15-20 ёшли) икки-уч йиллик ён шохлари қиркилиб кучлироқ ёшартирилади. Янада қарироқ ёки ўсишдан қолаётган дарахтларнинг 5-7 йиллик шохлари қиркилиб ёшартирилади.

Тошлоқ ерларда ўриқлар 10-12 ёшидаёқ озроқ икки-тўрт йиллик шохлари, 17-20 ёшида эса беш-олти йиллик қалин шохлар ва шаббалар кесиб ёшартирилади, шунингдек 30-35 ёшида эса етти-саккиз йиллик шохлар қиркилади.



Лойиҳа доирасида Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги ўриқнинг маҳаллий навларига шакл бериш жараёни билан танишиши



Лойиҳа доирасида ўрик дарахтларига шакл бериш бўйича "Ёш селекционерлар мактаби" ўқувчиларига давс йтиши тадбири

## Кўчат ва дарахтларни буташда ишлатиладиган асбоб ва анжомлар



Ўрик новдаларини қирқиши ва шохга шакл бериш

**Лойиҳа Миллий Агентлиги:** Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти  
**Манзил:** 111116, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Гулистон қишлоғи, Чимкент йўли кўчаси  
**Телефон:** (+99871) 220-24-42, (+99871) 220-26-82; **Факс:** (+99871) 220-26-48  
**Электрон почта:** buviti@mail.ru, meva-uzum@exat.uz  
**Тузувчилар:** Х.Ч.Бўриев, Ш.М.Ахмедов, П.Т.Назаров, А.Қ.Қайимов умумий таҳрири остида.